



# Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

«Ташаббус — 2016»

## Эзгу ишларга қанот

Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ҳар йили ўтказиб келинаётган «Ташаббус» кўрик-танлови кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга, соҳа вакиллари эришаётган илгор натижаларни тарғиб қилиш, ёшларда мулкдор бўлиш ҳиссини кучайтириш, тадбиркорларнинг имкониятларини юзага чиқаришга хизмат қилмоқда.

24-25 март кунлари Тошкент шаҳрида «Ташаббус — 2016» кўрик-танловнинг республика босқичи доирасида кўргазма ташкил этилиб, унда иштирокчилар йиғилганларни ўз махсулотлари билан таништирди.

— Ушбу кўрик-танлов чин маънода мен каби тадбиркорларнинг орасини рўёбга чиқаришга имкон бермоқда, — дейди Андижондан ташриф буюрган «Иномжон файз» фермер хўжалиги раҳбари Одинахон Отахонова. — Фермер хўжалигимиздаги 550 бош сизирдан соғиб олинаётган сутни қайта ишлаб сметана, қаймоқ, кефир, йогурт ва бошқа сут махсулотлари тайёрлашни йўлга қўйганмиз. Бундан ташқари, трикотаж махсулотлари ишлаб чиқарувчи цех ташкил этилган. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш билан бирга, иш ўринлари ҳам кўпайиб бормоқда. 2013 йилда фермер хўжалигимизда 42 нафар ишчи-хизматчи ишлаган бўлса, 2015 йилда уларнинг сони 96 нафарга етди. 22 нафари коллеж битирувчиларидир.

Кўрик-танловнинг дастлабки йилларида санаот махсулотлари ишлаб чиқараётган, қурилиш соҳасида хизмат кўрсатаётган тадбиркорлар, кишлоқ хўжалиги махсулотлари етиштираётган илгор фермерлар ва кулолчилик соҳасидаги хунармандларгина иштирок этган бўлса, бугунги кунда фаолият йўналишлари кенгайиб, йилдан-йилга иштирокчилар сони ошиб бормоқда.



Айтиш жоизки, бу йилги кўрик-танловнинг туман (шаҳар) босқичларида 7701 та тадбиркорлик субъекти, 3132 нафар тадбиркор, 2149 нафар фермер ва 2410 нафар хунарманд қатнашди.

— Тадбиркорлар учун давлатимиз томонидан кўрсатилган кўмак ва ғамхўрлик ҳам биримизни ғайрат билан ишлашга ундамоқда, —

дейди Шаҳрисабз кулолчилик мактаби вакили, Музаффаровлар сулоласининг еттинчи авлоди Рустамжон Музаффаров. — Ушбу кўрик-танловда доимий қатнашиб келаман. Кўргазмадаги барча кулолчилик махсулотларимизда тоғ тупроқ ва тошларидан фойдаланилган. Шу боис махсулотларимизга хоржилик ва маҳаллий харидорлардан талаб катта. Ҳозирда устахона-

мизда 30 дан орტიқ ёшлар кулолчилик сирларини ўрганмоқда.

«Ташаббус — 2016» ғолиблари ва совриндорларини аниқлаш ва тақдирлаш маросими 6 апрел кuni бўлиб ўтди.

**Жамшид ЭРҒАШЕВ,**  
«Ishonch» мухбири.  
Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

## НАМАНҒАН ВИЛОЯТИ НАМАНҒАН ТУ «АҚМАДБЕК САХОВАТИ» ҚОМЛИ КҮП ТИ ФЕРМАСИ



Касаба уюшмаси ва хотин-қизлар

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда аёлларнинг жамият ва оиладаги мавқеини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, меҳнат бозоридаги рақобатда улар манфаатини ҳимоялаш, иш жараёнида адолатли муносабатни таъминлаш масалаларига тобора эътибор қаратилмоқда.

## Аёл борки, олам мунаввар

Хусусан, ишловчи аёлларга хавфсиз меҳнат, дам олиш шароитлари яратилиши, меҳнатга муносиб ҳақ тўланиши, қўшимча имтиёзлар берилиши, ҳуқуқий маданиятни ошириш, маданий-маърифий йўналишлардаги тадбирларга кенг жалб этишга оид масалалар устидан жамоатчилик назорати ўрнатилгани замирида ҳам, аввало, оила ва жамият манфаатлари устуворлигига ишора бор.

ЎзқуФК Ўқув марказида «Касаба уюшмаси ва аёл» мавзюда ўтказилган семинар-тренингда бу борада амалга оширилган хайрли ишлар эътироф этилди. «Аёл борки, олам мунаввар» шiori остида уюштирилган ушбу тадбирда вазирлик ва идоралар, иш берувчилар ҳамда тармоқ туман, шаҳар кенгашлари ва бошланғич касаба уюшма қўмиталари вакиллари, мутахассислар, ҳуқуқшунослар, касаба уюшма фаоллари ҳамда эл севган шоир ва санъаткорлар қатнашди. Анжумани Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Хотин-қизлар кенгаши раиси Мавжуда Халилова очиб берди.

»(2).

Бандлик

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг 2016 йил 22 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йиғирма беш йиллиги муносабати билан ҳар бир туман, шаҳарда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида коллеж битирувчилари учун 25 тадан иш ўринлари яратиш тўғрисида»ги Қарориди белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Хоразм вилоятида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ёшлар манфаатини кўзлаб қилинаётган сазй-харакатлар элдошларимиз томонидан муносиб баҳолалиб, кўллаб-қувватланмоқда.

## Янги иш ўринлари

ёшлар келажагига хизмат қилади

Жумладан, касаба уюшмаларининг ташаббус ва кўмаги Хонқа тумани «Намуна» кишлоғидаги «Отакул» фермер хўжалиги раҳбари Икром Сувонов учун айна муддао бўлди. Бултур 24 нафар аъзоси билан 164 тонна пахта, 50 тонна ғалла етиштирган фермер фаолиятини янада кенгайтириш, кишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришга ўз хиссасини қўиши ниятида кишлоқда савдо-манший хизмат кўрсатиш шохобчалари жойлашган икки қаватли кўркам бинони қуриб битказди. Уни бунёд этиш учун 500 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Шунинг 300 миллионини «Отакул» фермер хўжалиги ўз фойдаси ҳисобидан қоплаган бўлса, 200 миллион сўми «Агробанк» Хонқа туман филиали томонидан ажратилган кредит ҳисобидандир. Яхши ният билан мажмуага «Анхор» деб ном берилди.

»(2).

Муносабат

## Шукроналик

Серкўёш мамлакатимиз узра янгиланиш ва яшариш, шоду хуррамлик рамзи бўлган Наврўз айёми катта шодиёна ва кўтаринки руҳда нишонланмоқда. Одамлар бир-бирларига меҳр-муҳаббат улашаётган. Умумхалқ байрами муносабати билан пойтахтимизда ўтказилган тантана ва айниқса, Президентимизнинг ушбу маросимдаги табрик сўзи барчамизга кўтаринки кайфият бахш этди.

Бинобарин, табриқда қайд этилганидек, «Наврўзнинг ўлмас руҳи ва қадриятлари авлодлардан-авлодларга безавол ўтиб келмоқда, орадан қанча йиллар, замонлар ўтмасин, бу гоё ва одатлар бугунги кунларда ҳам халқимизнинг онгу тафаккурида чуқур из қолдириб, кучайиб бормоқда». Дарҳақиқат, мустақиллик шарофати билан халқимизнинг мил-

лий аънавалари, урф-одатлари, қадриятлари тикланди. Халқимиз даҳоси акс этган бетакрор байрамимиз истиқлол йилларида янада сайқалланиб, эзгулик сарчаси мисол одамларни яхшиликка бошлаётди. Мен бир оддий ўзбек аёли. Тўрт нафар фарзандим бор. Турмуш ўртоғим иккинчи гуруҳ ногирони. Ҳаёт тасодифларга тўла, мен ҳам 2011 йил-

да автохалокат туфайли тўшақда ётиб қолдим. Фарзандлар эса балоғат остонасида... Айрим кишилар қизларингни турмушга бер, ўғлингни ишга қўй ёки хорижга ишга юбор, деб маслаҳат беришди. Кўнмадим.

Муҳтарам Президентимизнинг эътибори, ғамхўрлиги, давлатимизда истеъдодли ёшларга яратилган шарт-шароитлар туфайли ҳозир фарзандларим ўз йўлларини топиб олиш учун астойдил изланишмоқда. Қизим Муниса Тошкент жаҳон тиллари университети тўртинчи босқич талабаси, ўғлим Нуриддин Тошкент ахборот технологиялари институтинда гранд асосида биринчи босқичда, қизим Нафиса ва ўғлим Шаҳзод Қарши тиббиёт коллежиде учинчи босқичда ўқипти.

Фарзандларим замонавий жиҳозланган аудиторияларда эмин-эркин таҳсил олишмоқда, ҳамма шароитлар яратилган ётоқхоналарда яшашапти. Институтда ўқиётган фарзандларим имтиёзли стипендия олаётганлари қалбимни нурга тўлдиради.

Мен ва турмуш ўртоғим вақти-вақти билан Тошкент шаҳрида, вилоят ва туман шифохоналарида бепул даволанамиз. Тиббиёт ходимларининг беминнат ёрдамлари туфайли, соғлимни тиклаб ишга қайтдим.

Фарзандларимга биз эркин ва обод ватанда гузал ва ширин ҳаёт кечираяпмиз. Шу юрт учун яшанг, ишончи оқланг, дўсту ёрларингиз билан Президентимизнинг атрофиде маҳкам жипслашинг, мамлакатнинг мустақкам кўрғонига айлананг, деб насиҳат қиламан.

Наврўз кунларида айтилган тилалар ижобат бўлади, дейишади. Ниятим, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин, фарзандларимиз камоли ҳаммамизга насиб этсин. Бахтимизга мана шундай тинч ва осойишта замонни туҳфа этган истиқлолимиз бардавом бўлсин.

**Г. ХОНИМОВА,**  
Қамаши туманидаги  
4-«Меҳрибонлик» уйи  
директор ўринбосари

Юртимиз қадамжолари бўйлаб

## Саёҳатга нима етсин

дейди меҳнат фахрийси Баҳодир Шоюсупов

— Фарғона вилоятининг Тошлоқ туманиданман, — дея ўзини таништирди Баҳодир бобо Мамаюсупов. — Узок йиллар 24-автосаройда ҳайдовчилик қилдим. Айни вақтда қарилик гаштини сурмоқдаман. Қуни кеча автоқорхонамиз касаба уюшма ташкилотидан келиб Наврўз байрами билан табриқлашди. Сўнг Самарқанд, Бухоро ҳамда Хоразм вилоятларидаги қадамжоларни айланиб келишни таклиф этишди. Бундай ҳурматдан бошим осмонга етди. Уйлаб қарасам, хизмат тақозоси билан Бухоро, Самарқанд ҳамда Хоразм шаҳарларига кўп бор қатнаган бўлсам ҳам

обдон танишмаган эканман. Бу таклиф айна мударо бўлди.

— Бизни шифокорлар оиласи ҳам дейишади. Чунки турмуш ўртоғим ҳам, ўғлим ҳам шифокорлик касбини танлаган, — дейди Насиббахон Мамажонова. — Бағдод туманидаги шифохонада олий тоифали шифокорман. Анчадан буён турмуш ўртоғим билан Имом ал-Бухорий зиёратгоҳини бориб кўришни орзу қилардик. Мана ниятимизга етдик. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қошидаги «Касаба-сайр» шўъба корхонаси томонидан биз саёҳатчиларга барча шароит яратилган-

лигини кўриб турибмиз. Ишонаманки, сифаримиз ниҳоятда қизиқарли ва мазмунли ўтади.


— Пахтаобод туманидаги иқтисодиёт коллежиде махсус фан ўқитувчисиман, — дея ўзини таништирди Нуриддинжон Тошболтаев. — Ўн марта эшитгандан кўра, бир марта кўрган афзал. Тўрт кун давомида кўрган-кечирганларимни албатта ўқувчиларимга ҳам сўзлаб бераман.

Ниҳоят, поезд кўринди. Саёҳатчилар биринкетин ўз жойларини эгаллай бошлашди.

— Юртбошимизнинг 2016 йил 9 февралдаги қарори билан тасдиқланган «Соғлом


она ва бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида бугун 400 дан зиёд саёҳатчиларнинг тарихий қадамжоларга саёҳатларини уюштирмоқдамиз, — дейди «Касаба-сайр» шўъба корхонаси ходими Абдузоҳид Қаршиев. — Уларнинг кўпчилиги касаба уюшма аъзолари ҳамда меҳнат фахрийларидир. Шунингдек, эҳтиёжманд оила аъзолари вакиллари ҳам бор. 4 кунлик саёҳат давомида улар учун барча шароитлар яратилди.

**Неъмат РАФИҚОВ,**  
«Ishonch» мухбири



Сарҳисоб

>> 2



Ўрмон мавсум танламайди

>> 3



Соғлом оила — соғлом келажақ

>> 4

# Аёл борки, олам мунаввар



№(1).

Тадбирда Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, касбий, жисмоний, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, фаолиятни оилавий юмушлар билан уйғун ҳолда олиб бориш ҳамда бандлигини таъминлаш ва муносиб меҳнат шaroитлари яратиши буйича олиб борилаётган тизимли ишлар хусусида сўз борди. Хотин-қизлар ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлашнинг мустаҳкам ҳуқуқий базаси шакллантирилиб, соҳага оид асосий халқаро конвенциялар ва ҳужжатлар ратификация қилинган, аёлларимиз ҳақида гамжурлик ва эътиборни кучайтириш учун объектив шарт-шaroит ва имконият яратилаётганлиги таъкидланди. Вазирлар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Савдо-саноат палатаси ўртасида ижтимо-

ий-иқтисодий масалаларга оид имзоланган Бош келишув, Вазирлик ҳамда Республика кенгаши ўртасида тузилган тармоқ келишувлари, жамоа шартномаларида аёллар учун қўшимча кафолатлар ва имтиёзлар бериш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш чораларини қўллаш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимояси, меҳнат ва дам олиши, соғломлаштириш борасидаги хайрли ишларга эътибор қаратилди.

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши тизимида 5565 та бошланғич ташкилот бўлиб, касаба уюшма аъзоларининг 671 минг 350 нафарга яқинини хотин-қизлар ташкил этади. Тармоқ Хотин-қизлар комиссияси жамоа келишувлари, мулкчилик шаклидан қатъи назар барча корхона, ташкилот ва муассасаларда имзоланаётган жамоа шартномаларида аёллар учун хавфсиз меҳнат, дам олиш шaroитлари яратиш

берилиши, меҳнатга муносиб ҳақ тўлаши, қўшимча имтиёзлар берилиши масалалари киритилиши ва уларнинг бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини олиб бормоқда. Қабул қилинган жамоа шартномаларида «Аёллар меҳнатини тартибга солиш. Аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга бериладиган қўшимча имтиёз ва кафолатлар» бўлими киритилган.

Семинарда касаба уюшмалари томонидан хотин-қизларнинг ижтимоий-меҳнат ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш борасида йўлга қўйилган тизимли чора-тадбирлар қайд этилди. Хусусан, бошланғич ташкилотларда ноқулай шaroитда ишлаётган аёлларга имтиёзлар бериш, мактабгача ёшдаги болалари бўлган аёлларга ойда бир кун ҳамда икки ва ундан ортиқ 12 ёшгача фарзанди бўлган аёлларга иш кунини 1 соатга қисқартириш ва 3 иш кунидан иборат қўшимча таътил бериш, 14 ёшгача фарзанди бўлган ва ҳомиладор аёлларга тўлиқсиз иш ҳафтасини белгилаш, бола тарбияси муносабати билан таътилга чиққан аёлларга моддий ёрдам кўрсатиш, аёлларни тиббий муассасаларда бепул даволаш ва ходимлари тиббий куриқдан ўтказиш каби мажбуриятларнинг жамоа шартномаларига киритилишига эришилгани эътироф этилди. Уларда муассасанинг иқтисодий имкониятларини ҳисобга олиб, аёллар ва 18 ёшга тўлмаган ишловчилар учун ижтимоий имтиёзлар ва кафолатлар акс эттирилган. Ушбу тоифадаги аёллар тунги вақтда, иш вақтидан ташқари ва дам олиш кунларидаги ишларга жалб этилмайди.

Семинарда хотин-қизларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни қўллаб-қувватлаш, меҳнат қончилиги ва меҳнат муносабатлари, халқаро меҳнат стандартлари, касаба уюшмалари ва унинг афзалликлари тўғрисидаги билимларини ошириш,

хавфсиз иш шaroити яратиш, меҳнатни муҳофаза қилиш борасидаги ишларни янада такомиллаштириш бўйича тақдирлар ўртага ташланди.

Тренинг чоғи иштирокчилар гуруҳларга бўлиниб, меҳнат муносабатларига оид амалий машқлар олиб боришди, руҳшунос Умида Обидованинг психологик машғулоти орқали маънавий-руҳий қувватланиб, ўзларининг нималарга қодирлигини билиб олишди. Ёш эстрада хонандларининг дилрабо қўшиқлари анжуманга ўзгача фойза бағишлади. Айниқса, Ўзбекистон халқ шоири, сенатор Иқбол Мирзоянинг Ватан, мустақиллик, муҳаббат ва аёл гўзаллиги тараннум этилган дилбар шеърлари иштирокчиларга кўтаринки кайфият улашди.

Семинар-тренинг менда катта таассурот қолдирди. Фаолиятимга доир кўп жиҳатларни ўргандим. Шунинг билан етдимки, ҳар бир касаба уюшма етакчиси ва фаоли жонкуяр ва ишнинг кўзини билладир

ган, ҳар жиҳатдан фидойи бўлиши керак, — дейди «Хазорасп пахта тозалаш» АЖ касаба уюшма кўмитаси раиси Дилором Раҳмонова. — Анжуманда аёллар масаласига янада эътибор қаратиш, уларга ҳар томонлама мадад бериш, эзгу фаолиятларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни бундан-да тараққий эттириш учун қандай манбаларга эътибор бериш кераклиги ҳақида афзолича билим ва кўникмага эга бўлдик.

Касаба уюшмалари билан ижтимоий шериклик асосида қўллаб-қўйиладиган амалга ошираётган бўлиши, Бугунги семинар-тренинг келгуси ишларимизни янада такомиллаштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади, — дейди қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги вакили Машхура Исоқова.

Семинар иштирокчилари даблдкер автобусларида Тошкент шаҳрининг тарихий жойлари бўйлаб саёҳат қилиб, бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишди. Анжуман ишида фаол қатнашган иштирокчилар тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашининг эсдалик совгалари билан тақдирланди.

**Амина ҚОДИРОВА,**  
«Ishonch» мухбири.  
Иқром ҲАСАНОВ олган суратлар



Наврўз шукуҳи

Март ойининг дастлабки кунларида Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Қорақўл туман кенгашида ўтказилган йиғилишда ҳудудни ободонлаштириш ва кўламазорлаштириш, ногирон, бемор, яқка-ёлғизлар, меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олиш, эҳтиёжманд оилалар томорқаларининг экан-тигини яқинларига қўмаклашиш, мевали кўчатлар ўтказиш, моддий ёрдам кўрсатиш каби хайрли ҳамда савобга йўғрилган тадбирларни амалга оширишга қаратилган масалалар муҳокама қилинган. Бошланғич касаба уюшма кўмиталари раислари шу асосда амалий ишга киришдилар.

## Кўнгиладободлиги

46-умумтаълим мактаби касаба уюшма кўмитаси раиси Баҳодир Каримов бир гуруҳ фаоллар билан туманнинг чекка ҳудудларидан саналган «Қорақўлончи» маҳалла фуқаролар йиғини сари йўл олди. Фаоллар мактабгача таълим муассасасида тарбиячи бўлиб ишлаган 78 ёшли Сонагул момо Арашова ҳолидан хабар олиб, рўзгор юмушларига қўмаклашди. Она-хонга тегишли томорқа тартибга келтирилди. Ўзлари билан олиб келган мевали кўчатларни экиб беришди. Онахон дуога қўл очиб юртимизга тинчлик, халқимиз турмушига фаровонлик, ёшларга бахту иқбол тилади.

— Э, келинлар, келинлар, қадрдонларим! — дея хонадонга ташириб буюрган «қўтилмаган» меҳмонларга пешвоз чиқди «Жиғачи» ҚФЙда яшовчи меҳнат фахрийси Меҳмон бобо Жумақулов.

Гуруҳ аъзолари отахонни Наврўзи олам билан муборакбод этишгач, бу хонадон томорқасига ҳам янги кўчатлар ўтказилди. Аввал экилган дарахлар оқланиб, таги юмшатилади, озиклантириб сугорилди. Турфа гуллар экилди. Шу тарихда Меҳмон бобонинг уй-жойи, томорқаси янги-ча қиёфа касб этди.

Бу каби хайрли ва савоб ишлар туманнинг барча аҳоли пунктларида амалга оширилди. Айниқса, 34-умумтаълим мактаби директори Эркин Раҳматов, тармоқ бошланғич касаба уюшма кўмиталари раислари Янгибой Жўраев, Ибодулло Каримов, Нарзулла Жўраев сингари ўнлаб фидойилар эл олинган сазовор бўлмоқда.

**Иzzатулла ҲОЖИЕВ,**  
«Ishonch» мухбири

Танлов

Меҳнат муҳофазаси йўналишига оид ишларнинг тизимли йўлга қўйилиши корхона, ташкилот ва муассасаларда ходимлар учун муносиб меҳнат шaroитлари яратишнинг муҳим омилларидан биридир. Шу боис бугунги кунда ходимларга яратилган меҳнат шaroитлари, меҳнат муҳофазаси қонда ва меъёрларига риоя қилиш бўйича жамоатчилик назорати юзасидан чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

## Меҳнат муҳофазаси — ютуқлар омили

Мана бир неча йилдирки, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан Меҳнат муҳофазаси бўйича жамоат назоратини энг яхши ташкил этиш юзасидан республика кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда. «Деҳқонбод калийли ўғитлар заводи» Унитар корхонасида ходимларга соғлом ва хавфсиз меҳнат шaroитларини яратиш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг олдини олиш йўналишларида олиб борилаётган ишлар чуқур ўрганилди. Кўрик-танлов доирасида Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши тизимидаги мажмуи корхонада фаолият кўрсатаётган 27 нафар меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллardan 13 нафари қатнашди.

Танлов якунларида кўра, корхона марказий лабораториясининг меҳнат муҳофазаси бўйича жамоатчи вакили С.Жуманазарова 1-ўринни, механик-таъмирлаш цехининг асбобсоз-чилангари Т.Хушав 2-ўринни, электроцех электромонтёри М.Абди-зоиров 3-ўринни эгаллади. Фойибларга касаба уюшмаларининг диплом ва пул мукофотлари топширилди.

Бу каби танловлар корхоналардаги меҳнат муҳофазаси бўйича жамоатчи вакилларнинг билим ва салоҳиятини янада оширишга рағбат уйғотиши шубҳасиз.

**Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,**  
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши матбуот хизмати раҳбари

## Янги иш ўринлари

ёшлар келажагига хизмат қилади



№(1).

Ушбу мажмуа Наврўз байрами тантана қилинган кутлуг кунда фойдаланишга топширилди. Фермер қишлоқ аҳлига ош берди.

Тадбирда иштирок этган туман ҳокими О. Жуманазаров, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг юристконсулти М.Абдуллаев ҳамда тармоқнинг Хо-

разм вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Б. Матмуродов ва бошқалар сўзга чиқиб, истиқлол туфайли шаҳару қишлоқларимиз тобора обод бўлаётгани, қишлоқ хўжалиги янада ри-

вожланиб, дастурхонимиз тўкин, турмушимиз фаровонлашиб бораётганини таъкидлашди. Амалга оширилаётган ислохотлар самардорлигини таъминлаш, меҳнаткашлар манфаатини ҳимоя қилишда касаба уюшмаларининг жонбозлиги ҳақида илиқ фикрлар билдирилиб, ушбу мажмуанинг фаолият бошлашида ҳам касаба уюшмаларининг кўмаги катта эканлиги эътироф этилди.

«Анҳор»да 12 та иш ўрни яратилди, шундан 8 нафари касб-хунар коллежи битирувчиларига тегишли бўлиб, ҳозирдан 4 нафар коллеж битирувчиси ўз ишини бошлаб юборди.

Тармоқ касаба уюшмаси Хонка туман кенгаши томонидан «Анҳор» савдо маиший хизмат кўрсатувчи шохобчаларда меҳнат қиладиган коллеж битирувчилари учун тикув машиналари олиб берилди. Шунингдек, Наврўз байрами муносабати билан 65 нафар фахрий, объект қурилишида фаол иштирок этган қурувчилар, ўзининг фидокорона меҳнати билан ўрناق бўлаётган 65 нафар ходим қимматбахо совгалар билан тақдирланди.

«Отақул» фермер хўжалиги раҳбари И.Сувоновга вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг ташаккурномаси топширилди.

**Муҳаббат ТўРАБОЕВА,**  
«Ishonch» мухбири



Жамоа шартномаси муҳокамаси

Иштихон автотранспорт касб-хунар коллежида жамоа шартномасининг 2015 йилдаги ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда коллеж жамоаси томонидан амалга оширилган ишлар муҳокама қилиниб, келгусидаги вазифалар белгилаб олинди.


Эътироф этилдики, бошланғич касаба уюшма ташкилоти томонидан қатор ташаббуслар илгари сурилиб, ижроси таъминланди. Ходимлар ва ўқувчилар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг спорт билан шуғулланиши учун шaroитлар яратилди. Хусусан, ходимлар гимнастикасини ташкил этишга катта эътибор қаратилмоқда. Спорт залини жиҳозлашга касаба уюшма кўмитаси томонидан

маблағ йўналтирилди.

Кесаларни эъозлаш йили муносабати билан икки нафар пенсияга чиқаётган ўқитувчиларнинг юбилейи ўтказилди. Эҳтиёжманд 11 нафар ходимга моддий ёрдам кўрсатилиб, битта ходим сийҳатгоҳда имтиёзли дам олдирил-

ди. 55 нафар ходимга эса Нурота шаҳрини томоша қилиш имконияти яратилди. Анъанага кўра, ўқувчиларнинг табиат кўйнига саёҳатлари ташкил этиб келинмоқда.

Муҳокама жараёнида коллежда қўшимча иш ўринлари яратиш, пуллик хизмат турларини кўпайтириш ҳисобидан келадиган маблағни ходимлар иш шaroитини яхшилашга сарфлаш юзасидан изланишлар олиб борилаётганига алоҳида урғу берилди. Шунингдек, «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури доирасида жамоа шартномасига киритиладиган



қўшимчалар хусусида ҳам фикрлашиб олинди.

**Сирожиддин ИЗЗАТУЛЛАЕВ,**  
Самарқанд вилоят Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари бирлашган касаба уюшма кўмитаси раиси

Ёруғ манзиллар

# Озод диёрнинг умид дарахти

**Азиз болажоним! Осмоннинг аршини, фаришталар шахрини макон тутган беғубор капалагим! Хонадонимизни покиза ҳисларга тўлдиргувчи, қалбимизга олам-олам шодлик ва қувонч бахш этгувчи, орзу-умидларимиз даракчиси ва рўёби бўлмиш жажжи кабутарим! Сенга қанчалар интизорлигимизни, жисмоний ва маънавий камолотингни кўриш бахтига нечоғлик муштоқлигимизни билсанг эди! Сенинг ташрифинг юртимизнинг улуғвор тантаналарига эшик очишини, умид дарахтимиз илдиэларига қувват бўлишини тасаввур қилсанг эди!**

Кўзимиз нури, қалбимиз сурури, хонадонимиз чироғи, кўнглимиз ардоғи, болажоним! Нега безовтасан?! Сени ташвишларга тўла дунёга чорлаётганимиз учун чўчиясанми? Чўчима, кўзичоғим! Эҳ, сен келадиган ва тирикликнинг энг гўзал фаслларини қарши оладиган юртда фарзандни нон қадар, жон қадар азиз биладиган одамлар яшашини билсанг эди! «Боланинг бегонаси бўлмайди», деган боқий қадрият бу юртда яшовчи инсонлар қалбидан нечоғлик чуқур жой олганлигини ҳар қадамда ҳис этасан ҳали! Сен дуч келадиган тириклик ташвишларига ҳеч бир огринишларсиз елка тутишга тайёрлигимизни, Давлатимиз раҳбаридан тортиб деҳқону богонгача — барча-барчанинг қалбидан сен ва тенгдошларингга муҳаббат нақадар теран илдиэ отганлигини англаб етишинг ҳам бор ҳақиқат! Сени бу юртда бир-бирдан гўзал байрамлар, шўхуҳга тўла тантаналар, қалби эзгуликдан нурафон инсонлар ва энг муҳими, ана шундай инсонлар яратиб берган беқиёс имкониятлар кўтиб турибди!


Кел, шундай гўзал байрамлардан бири — сен каби кичкинтойларга чексиз меҳр ва ажойиб совғалар улашадиган Янги йил байрами арафасида содир бўлган воқеани сўзлаб берай... Ушанда бир юмуш билан ишхонадан чиқиб, каттакан йўл ёқалаб яёв кетаётганим. Ногоҳ ҳозиргина ёнимдан ўтиб кетган автобус ортидан жовдираб қараётган болакайга кўзим тушди.  
— Нима бўлди, ўғлим? — сўрадим унга яқинлашар эканман.  
Болакай йиғлаб юборди.  
— Туфлимни автобусда унутиб қолдирибман. Сумкада эди... — деди у нафаси бўғзига текилиб.  
— Оёгингда этикчанг бор экан, туфлингни нега олиб чиққандинг? — тагин сўрадим болакайнинг кўз ёшларини артар эканман.  
— Бугун мактабимизда Янги йил байрами бўлди. Мен шерь ўқидим. Устозим туфлингни олиб кел, деб тайинлаган эдилар... — хўрсинганча жавоб берди болакай.  
Уни аста бағримга босдим. Кейин сочини тўзғитиб эркаладим.

— Шугинами, болажоним?! Йиғлама, ҳозир бир йўлини топамиз... Шундай деганча такси тўхтадиш учун кўл кўтардим. Аммо шу асно орқага қараб юриб келаётган автобусга кўзим тушди... Биздан сал нарироқда тўхтаган автобусдан ўрта ёшлардаги киши тушиб келиб, болакайга сумка тутқазди. Кейин унинг бошини силаб, беозор жилмайдим:  
— Ҳа, полвон! Туфличангизни бизга Янги йил совғаси қилмоқчи бўлдингизми?..  
Болакай тагин йиғлаб юборди. Автобус ойналаридан ўзига меҳр тўла табассум ила қараб турган йўловчиларга боқди...  
Ҳа, болажоним! Биз ана шундай халқимиз! Барчага, айниқса, жондан азиз болажонларга, ёшларга меҳрини беминнат улашадиган ва бундан асло афсус қилмайдиган миллатимиз! Шу боис юртимизда деярли ҳар бир йилга ном бериш жараёнида албатта сен каби ёш авлод вакилларининг манфатлари инобатга олинади: «Оила йили», «Онalar ва болalar йили», «Соғлом авлод йили», «Меҳр ва муруват йили», «Сихат-саломатлик йили», «Ёшлар йили», «Баркамол авлод йили», «Муштақам оила йили», «Обод турмуш йили», «Соғлом бола йили», «Соғлом она ва бола йили!» Бу номлар шунчаки расмий шорлар эмас, бизнинг сен каби келажагимиз яратувчиларига беқиёс меҳримиз ва ишончимиз меваларидир!

Юртимизда ёш авлод камолоти учун яратиб берилган имкониятларнинг сан-наб адоғига ета олмайсан. Фарзандларимиз илм-фан, санъат ва спорт соҳасида кўлга киритаётган ютуқларга манамен деган мамлакат ёшлари ҳавас қилишади. Ака-опаларинг сафида юзлаб жаҳон ва Осиё чемпиони, нуфузли халқаро фан олимпадалари голиб ва совриндорлари, санъат ва маданиятнинг юксак чўққиларини забт этган зукко, билимдон ёшлар бор!  
Қадрли болажоним! Сенга юртимиз ҳақида айтадиганларим жуда-жуда кўп! Ва уларни бир-икки саҳифада поёнига етказиш ҳам душвор! Шу боис, кел! Узингдек дуркун-дуркун, соғлом ва бақувват жажжи дўсту дугоналарингни бошлаб кел! Бизга қанот бўлиб, муқтақил юрт шаънини улуғламоққа кел, буюк боболардан мерос мардлик ва матонатдан, журъат ва жасоратдан, юксак маънавий салоҳиятдан баҳраманд бўлмоққа кел! Уз келажагингни яратмоққа кел, номингни эл аро таратмоққа кел! Сизларга кучоқ очиб пeshово чиқамиз! Ҳар бир одимингизга эш бўлиб, юмушингизга елка тутамиз. Сизлардан фақат ва фақат эзгуликлар кутамиз! Чунки сен ва сенинг тенгдошларинг — бизнинг эртанги ёруғ умидимиз, юртимизнинг порлоқ истиқболдирсанлар!

**Шодмон СУЛАЙМОН,**  
**Ўзбекистон Ёзувчилар**  
**уюшмаси аъзоси.**  
Бухоро

## Юртимизни бог-роғларга буркайлик!



Дунёда савоб ишлар кўп. Дарахт ўстириб, эл дастурхонини ноз-неъматга тўлдириш, чор-атрофни яшилликка буркаш, энг асосийси, соғлиқ учун зарур бўлган ҳавонинг софлигини таъминлашга ҳисса қўшиш ҳам шулар сирасидан. Узун давлат ўрмон хўжалиги тасарруфида 72 минг гектардан зиёд майдон бўлиб, унинг 16,2 минг гектари турли хил дарахтлар экилган. Худуддаги очик майдонларнинг 100-120 гектарида ҳар йили янги ўрмонлар барпо этиш аънана тусини олган. Бундан ташқари, ҳар мавсумда табиий ўрмонни тиклаш ҳисобига дарахтзорлар 100 гектардан кенгайтириб борилаяпти.

## Ўрмон мавсум танламайди

Бунда тажрибали ўрмончи Нурулла Нарзуллаев бошлиқ «Сангардак» бўлими ходимларининг хизмати катта. Улар ўз тасарруфларидаги 65,4 минг гектар худудни назорат қилиш билан бирга, очик жойларда янги ўрмонлар барпо этишаптир. Бугун олма, олча, ўрик, нок, терак сингари минглаб дарахтлар яшнаб турган ўрмон майдони 700 гектардан ошди.  
6554 гектар ўрмонзорларни кўриқлашда Абдумажид Йўлдошев бошлиқ «Зевар» бўлими ишчи-хизматчилари ҳам жонбозлик кўрсатишаптир.  
— Дарахтзорлар орасида ўсаётган кийик ўти, тоғ райони, қалампир ялғиз, тирноқ гул, алқор, аччик бодом, сафро гул, қизил лавлаги, сингари доривор ўсимликларни йиғиб, мамлакатимиз фармациясига саноатини ривожлантиришга ўз хиссамизни қўшаёмиз. Утган йили доривор гўёҳларни йиғиш, қуришти ва фармацевтика корхоналарига топшириш ҳисобига 400 миллион сўмдан зиёд даромад қилдик. 110 тоннадан ошқ сархил меваларни йиғиб олиб, эл дастурхонига тортик этдик, — дейди «Зевар» бўлими бошлиғи.  
Шуниингдек, чикитсиз технология асосида иш олиб бораётган ўрмончилар синган, қуриган дарахтлардан ёғоч тилиш ҳеҳида турли хил халқ истеъмоли маҳсулотлари тайёрлашмоқда.

Исомиддин Ғойипов етакчилик қилаётган цехнинг 8 нафар хўнараманд усталари хонтахта, стол-стул, ўқлов, кроват, эшик-дераза ромлари ясашмоқда, қурилишбоп ёғоч материаллари тайёрлашмоқда.  
Асосий даромад манбаларидан ана бири, бу кўчатчиликдир. Бу иш билан кўп йиллардан берки Азамат Маҳмудов бошлиқ Узун ўрмон бўлими ишчилари шуғулланишади. Уларнинг ихтиёрида 229 гектар ер бўлиб, шунинг 30 гектарида ҳар хил гуллар, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари етиштирилади. 21 гектар майдонда галла, лавлаги, маккажўхори каби экинлар экиб келинмоқда. 7,4 гектар майдондаги ҳосилга кирган олма, хурмо, олча дарахтлари 10 нафар ижарачиларга шартнома асосида бўлиб берилган. Кўчатзорда ўтган йил куз ва жорий йилги баҳорда жами 883 минг туп кўчат тайёрланди.  
Ўрмон мавсум танламайди. Қазиб олинган кўчатлар ўрнига янгиларини қадаш керак. Малакали ўрмончилар Ҳамро Жўраев, Акбар Хўжаниёзов, Наврўзоя Досматов, Ва, Баҳодир Шерматов, Зумрад Пулатова ёш кўчатлар экиш, юлги боғлар барпо этишда бир тан, бир жон бўлиб меҳнат қилишаптир.  
**Рустам ДАВЛАТОВ,**  
**«Ishonch» мухбири**

## Наврўз — миллий байрамимиз

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 164-мактабда «Наврўз — миллий байрамимиз» деб номланган тадбир кўтаринки кайфиятда ташкил этилди.



Мактабнинг бошланғич синф ўқувчилари миллий ўйинлар, таомлар, рақслар ва саҳна кўришлари бўйича танловда маҳоратини намойиш этишди. Фойиллар эсдалик совғалари билан тақдирланди.  
Ижро этилган куй ва кўшиқлар йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

**Ўз мухбиримиз,**  
**Икром ҲАСАНОВ**  
олган суратлар

## Реклама ва эълонлар

Вниманию организаций и предприятий!

**Инжиниринговая компания «Служба единого заказчика» хокимията г.Ташкента**  
**Объявляет конкурсные торги (тендер) по объекту:**

Реконструкция ДЮСШ в Сергелийском районе г.Ташкента  
Стартовая стоимость заказа: — 1 951 722 944 сумов с учетом НДС; — 1 626 435 786 сумов без НДС.  
Срок окончания работ, установленный заказчиком — 20 июля 2016 год  
Финансирование проекта будет осуществляться за счет средств Республиканского фонда развития детского спорта  
Заказчик — Инжиниринговая компания «Служба единого заказчика» хокимията г.Ташкента.  
Организатор торгов — Территориальный консультативный центр по конкурсному торгам и ценообразованию в строительстве по г.Ташкенту.  
К конкурсному торгам допускаются исключительно подрядные организации, включенные в Реестр строительно-подрядных организаций.  
Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов, должны соответствовать следующим требованиям: иметь оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственную базу, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурскому, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.  
При участии в конкурсном торгах отечественных и зарубежных строительных организаций в оценке конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участники конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождены от налога на добавленную стоимость, досчитываются на сумму указанного налога.  
**Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торгов — в Территориальный консультативный центр по конкурсному торгам и ценообразованию в строительстве по г.Ташкенту по адресу:** г.Ташкент, ул.Аббас, 6, комн.703. тел.: (371) 244-12-17, 244-07-65.  
Стоимость одного комплекта конкурсной документации — двести тысяч сумов.  
Оферты принимаются организатором торгов по адресу: г.Ташкент, ул.Аббас, 6, комн. 703.  
Последний срок предоставления оферты организатору торгов — к дню и часу вскрытия оферты.  
Вскрытие оферты состоится не менее чем через 15 дней после опубликования объявления в здании хокимията города Ташкента.  
**Услуги лицензированы.**

## «FARG'ONA MULK SERVIS» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади

Аукцион савдоларига «Кишлоқхўжаликкимё» АЖ Бағдод туман филиалининг 23.03.2016 йил кунги 40-сонли хатига асосан куйдаги автоматотранспорт воситалари куйилмоқда:  
1. «МТЗ-80Х» русумли, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, д/р:15-79ФП, бошланғич баҳоси — 1 508 345 сўм;  
2. «ЗИЛММЗ-554» русумли, 1978 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, д/р:15АС548, бошланғич баҳоси — 1 520 011 сўм;  
3. «ЗИЛММЗ-45021» русумли, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, д/р:15АС533, бошланғич баҳоси — 1 613 345 сўм.  
**Аукцион савдолари 2016 йилнинг 26 апрел кунни соат 10:00 да бўлиб ўтади.**  
Талабномалар хабарнома чиққан кундан бошлаб, иш кунлари соат 10:00дан 16:00 гача (13:00 дан, 14:00 гача тушлик) қабул қилинади. Талабномалар қабул қилишнинг охири мuddати: 2016 йил 22 апрел соат 17:00.  
**Талабгорлар диққатига!**  
Автотранспорт воситаси 2016 йилнинг 25 апрел кунги савдодо сотилмаган тақдирда, такрорий савдолари 2016 йилнинг 3-, 11 май кунлари соат 10:00 да бўлиб ўтишини маълум қиламиз. Такрорий савдоларга аризалар қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин тўхтайтилади.  
Савдо голиби деб топилган шахсга 10 иш кунини ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.  
Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «FARG'ONA MULK SERVIS» МЧЖнинг «Трастбанк» Фаргона филиалдаги куйдаги ҳисоб-рақамига тўлашлари лозим: МФО: 01123. СТИР: 303054753. Х/Р: 22604000600396342001.  
Манзил: Фаргона шаҳар, Маърифат кўчаси, 22-уй.  
Тел: +99895-402-54-75. Гувоҳнома: №1894.  
**Хизматлар лицензияланган.**

**Талабгорлар диққатига!**  
Автотранспорт воситалари 2016 йилнинг 26 апрел кунги савдодо сотилмаган тақдирда, такрорий савдолари 2016 йилнинг 4-, 12 май кунлари соат 10:00 да бўлиб ўтишини маълум қиламиз. Такрорий савдоларга аризалар қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин тўхтайтилади.  
Савдо голиби деб топилган шахсга 10 иш кунини ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.  
Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «FARG'ONA MULK SERVIS» МЧЖнинг «Трастбанк» Фаргона филиалдаги куйдаги ҳисоб-рақамига тўлашлари лозим: МФО: 01123. СТИР: 303054753. Х/Р: 22604000600396342001.  
Манзил: Фаргона шаҳар, Маърифат кўчаси, 22-уй.  
Тел: (+99895) 402-54-75. Гувоҳнома № 1894.  
**Хизматлар лицензияланган.**  
**«FARG'ONA MULK SERVIS» МЧЖда бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига Фаргона шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими балансидаги, Фаргона шаҳар, Г.Фармонова кўчаси, 17-уйда сақланаётган, «ГАЗ-2410» русумли, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, д/р:15АВ247, бошланғич баҳоси — 805096 сўмлик автотранспорт воситаси куйилмоқда.  
**Аукцион савдоси 2016 йилнинг 26 апрел кунни соат 10:00 да бўлиб ўтади.**  
Талабномалар хабарнома чиққан кундан бошлаб, иш кунлари соат 10:00дан 16:00 гача (13:00 дан, 14:00 гача тушлик) қабул қилинади. Талабномалар қабул қилишнинг охири мuddати: 2016 йил 22 апрел соат 17:00.  
**Талабгорлар диққатига!**  
Автотранспорт воситаси 2016 йилнинг 26 апрел кунги савдодо сотилмаган тақдирда, такрорий савдолари 2016 йилнинг 3-, 11 май кунлари соат 10:00 да бўлиб ўтишини маълум қиламиз. Такрорий савдоларга аризалар қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин тўхтайтилади.  
Савдо голиби деб топилган шахсга 10 иш кунини ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.  
Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «FARG'ONA MULK SERVIS» МЧЖнинг «Трастбанк» Фаргона филиалдаги куйдаги ҳисоб-рақамига тўлашлари лозим: МФО: 01123. СТИР: 303054753. Х/Р: 22604000600396342001.  
Манзил: Фаргона шаҳар, Маърифат кўчаси, 22-уй.  
Тел: (+99895) 402-54-75. Гувоҳнома: №1894.  
**Хизматлар лицензияланган.****

## Саломатлик масканларида



## «Мен сиздан шифо топдим...»

**Пештоқига «Жиззах вилоят кардиология диспансери» деган лавҳа ёзиб куйилган икки қаватли бино ҳовлисига кириб борар экансиз, озодалик, саранжом-саришталикни кўриб, дилингиз яйради.**

Нафақат Жиззах воҳасида, балки мамлакатимизда танилган олий тоифали кардиолог-шифокор Эдуард Нариев йиғирма йилдан ортироқ раҳбарлик қилаётган мазкур шифохонга даво излаб келиб, дарддан фаровон бўлган юзлаб, минглаб беморларнинг чуқур ҳурмат-у, олқиши жаранглаб тургандек назаримизда.  
— Олтмиш ўринли шифо масканимизда ўтган йили 2048 нафар бемор стационар ҳолатда даволанди, — дейди бош шифокорнинг даволаш ишлари бўйича ўринбосари Зулхумор Алибоева. — Ходимлар учун ҳам зарур меҳнат ва дам олиш шароити яратилган. «Холтер-ЭКГ», «СМАД» каби замонавий тиббий ускуналар ёрдамида юрак-қон томир хасталиги мониторинг қилиниб, гипертензия касаллиқларига аниқ ташхис қуйилади. ЭХО-кардиография, уч каналли икки-талаф ЭКГ беморлар хизматида. Юрак-қон томир касалликларини аниқлашда «ВЭМ» (вело-эргометрия) ускунаси кўп қўлланади. Биокимёвий-анализатор келтириб ўрнатилган, малакали тиббий хизмат сифати янада ортди. Фаллаорлик етмиш етти ёшли бемор Турғунбой ота Таштемиров билан суҳбат асносида оқ халатли инсонларнинг меҳр ва саховатга чулганган беминнат хизматларини тўлиқ англагандек бўлдик.  
Бошланғич касабга уюшма кўмитаси раиси Зулайхо Сулҳонвани 48 нафарлик жамоа ташвиши билан елиб-югуриб юрган пайтда учратдик. Жамоа шартномаси орқали ходимларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва интеллектуал химоялашда фаолларга таяниб иш тугилаётгани боис са-

мара ҳам шунга яраша бўлмоқда.  
— Ҳар бир ходим жамоада ўз ўрни борлигини билиши муҳим, — дейди Зулайхо. — Суярқул Қиёмов, Дилором Рашидова, Шавкат Салоҳиддинов, Собир Исмоилов, Зулхумор Алибоева, Алишер Тўраев сингари олий тоифали шифокорларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз.  
Бош шифокор Э.Нариев ўн сотихлик томорқада амалга оширилган ишларни кўрсатишга ошқоқди. Иссиқхонага йўлак бўйлаб қирларкан, дастлаб шигил мевали лавр дарахтига дуч келдик. Юз-кўзимиздаги ажабланиш ҳолатини англаган хамроҳимиз изох беради: «Бу дарахт бизнинг тупроқ шоритга тез мослашди...» 3,2 соти майдонни эгаллаган иссиқхонада қирқ туп лимон дарахти барқ уриб ривожланмоқда, қийғос гуллаб, мевага кирган, олди пишиб етилди ҳам. Бир томонда кулупнай кўчатлари гуллаб, мева тугаётган бўлса, бир ёнда турп, петрушка, пиёз, ўкроп сингари кўчатлар яшнаб турибди. Гул кўчатлари етиштириш ҳам ёддан чиқмаган. «Буларнинг барчаси, энг аввало беморларимиз, қолаверса, ходимларимиз, дастурхонга алоҳида кўрқ, файз бағишламмоқда. Меҳнатимиз мевасидан мамнунимиз». Эдуард аканинг самими сўзлари «Ҳамма нарса инсон учун, унинг бахт-саодати учун!» деган шioriни бе-иштиёр ёдга солди.  
**Абдуманноп АЗИМОВ,**  
**«Ishonch» мухбири.**  
**СУРАТДА:** (ўнгда) Эдуард Нариев.  
**Элёрбек АЗИМОВ**  
олган сурат

